



ФРАНЦ КАФКА ПОЭТИКАСИДА МЕТАМОРФОЗА ЯХЛИТЛИГИ ҲАМДА РАМЗЛАР СИМФОНИЯСИ

Алфраганус университети
Махматкулова Зарина Нуриллаевна

Аннотация

Ушбу мақолада ёзувчи Франц Кафка ижодида бадиийлик ва унинг рамзлар тилида акс этиши ҳаёт ҳақиқатини янада теран англашга имкон беради. Кафка тафаккур ва мушоҳада маҳсули. У вақтдан ўзган ижодкордир. Унинг ана шу ноёб фазилатлари ўзбек адабиётига таъсир доираси очиб берилди мақолада.

Калит сўз: рамз, миф, услуб, шакл, поэтика, талқин, фалсафа, пафос.

Одатда, бадиий адабиётда мангу мавзулар кўп эмас, бироқ абадий ҳаёт ҳақида битилган асарлар антик юнон адабиётида ҳам учрайди. “Авесто”даги концепция Франц Кафка руҳиятидаги эзгулик ва ёвузлик орасидаги мангу кураш синтезини ёдимизга солади. Фарқи, Кафка ўз асарларида рамзлар “тили”да мушоҳада юритади. Унинг қаҳрамонлари ишонувчан, содда, буюк ғоялар исканжасида доим хўрланган. изтироб тортган, одамлар зулмидан азият кўрган хилма-хил характерлардир. Шунинг унутмаслик керакки, Ғарб адабий-эстетикасида Франц Кафка феномени ўта қалтис лаҳзаларда ҳам инсон шасҳига ўзига хос ҳурмат ва интизом билан ёндашиш, ота ва она меҳрига. Садоқатида мушрарраф бўлиш истагида бир умр қарздорлик ҳиссини кўнглида туйиб яшаган зийрак одамни эслатади. Кафка- тугалланмаган изтироб ва қувонч оламидир. Умидсизликдан. Чорасизликдан нажот ахтарган Кафка туйшулари доим ўзининг яратувчанлик фазилати билан алоҳида ажралиб туради. Мутелик ва қарамликдан аламзада Франц Кафкм – Ғарб адабий тафаккурида катта бурилишни намоён қилди.

Франц Кафканинг “Эврилиш” ҳикоясида жамиятда ўзига бегоналаниб бораётган қатлам хусусида сўз юритилади. Биринчи жаҳон урушининг ҳали нафаси совиб улгурмаган мудҳиш бир паллада Кафка катта бир ишга қўл уради. “Жараён”, “Ҳукм”, “Отамга хат”, “Эврилиш” сингари қисса, ҳикоя, романларида Кафка бадиий олами ўта жасорат билан намоён бўлишининг ўзиёқ, юқоридаги фикрларимизнинг ёрқин далилидир. “Кафка Жойс, Камю, Пруст каби ёзувчилар билан бир қаторда янги, модернистик адабиёт асосчиларидан ҳисобланади. Қарийб бир асрдан бери башарият бадиий-эстетик тафаккур тараққиётида



кафкалар чиқиб борган даража ҳали-ҳамон ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Бадиий тафаккурдаги ушбу юксалиш дунё адабиётида Толстой, Достоевский, Чехов каби адиблардан кейинги янги қадам бўлган эди. Кузатишлар, таҳлиллар шуни кўрсатяптики, мана, қарийб юз йилдирки, бадиий-эстетик тафаккур бобида кафкалардан сўнг оламшумул эврилиш содир бўлганича йўқ. Ҳозирги илғор жаҳон адабиёти ҳам қайсидир маъноларда постмодернистлардан улгу олиб шаклланаётир. Ҳатто постмодернизм, метареализм, метамодернизм каби энг янги йўналишлар ҳам Кафка, Камю, Жойс, Пруст каби ёзувчилар пойдеворини қўйган адабий оқимнинг турли-туман ўзанларга тушиб оқишига ўхшайди. Гарчи улар ўртасида муайян тафовутлар бўлса ҳам”¹. Ҳақиқатдан ҳам, Кафка ижодининг ядросида, асосиймарказида инсон руҳиятининг пучмоқларигача кириб борувчи узун бир йўлни кўришимиз мумкин. Матн ва унинг акс этиш жараёнида Кафка бутун оламга ўз бағрини рамз ва метафора орқали тушунтиришни хуш кўради. Ўқувчи жуда қийналиб ҳазм қилишининг боиси ҳам шундадир. Негаки, Кафка ўз ўқувчисини танлаб мутолаага чорлайди:

“Грегор Замза кунлардан бирида эрталаб нотинч уйқудан уйғониб, ўз тўшагида кўрқинчли махлуққа айланиб қолганлигини сизди. У орқа томонидаги тошдек қаттиқ чалқанча ётар экан, бошини хиёл кўтариши билан ўзининг кабарик, қўнғиртус, ёйсимон тангачалар билан бир текис бўлакланган, кўрпаси аранг ушланиб, салга сирпаниб тушиб кетиши мумкин бўлган қорнини кўриб турарди. Унинг кўп сонли, танасининг бошқа жойларига қараганда мажруҳ ингичка оёқчалари кўзи ўнгида бир-бирларига чирмашиб ётарди.

“Менга нима бўлди? ўйларди у. Бу туш эмасди. Хонаси ҳақиқий, мўъжаз бўлса ҳам одатдаги хона, унга яхши таниш тўрт девор ичида сукут сақларди. Мовут намуналари тахлаб қўйилган стол устида – Замза коммивояжер эди, у яқинда безакли журналдан қирқиб олиб, чиройли тилларанг рамкага жойлаштирилган сурат осифлик турарди.”²

Келтирилган лавҳада ҳикоя қаҳрамонининг тўсатдан қирқоёқли шилликқуртга айланиб қолган бош қаҳрамон портретини кўрамиз. Инсонликдан – ҳайвонлик рутбасига эврилган баҳайбат махлуқча – Кафканинг ўзи ўйлаб топган метаморфозаси. У жамиятда ҳамма қатори бахтли ҳаёт кечириб юрган минглаб инсонлардан бири эди. Минг афсуслар бўлсинким, Кафка ўз қаҳрамонини қирқоёқли шилликқуртга айлантириб, жамиятга ўз қиёфангни

¹ Хамдамов У. “Эврилиш” – замонавий кўзгу. Франц Кафка асарига сўнг сўз. –Т., “Янги аср авлоди”. 2021. –Б.249.

² Франц Кафка. Эврилиш. –Т., “Янги аср авлоди”. 2021. –Б.22.



кўриб кўй дегандек, КЎЗГУ тутди. Бу кўзгунинг моҳиятида инсонлик масъулияти ва шарафи, машаққати ва мақсади ўз таврини намоён қилиши шубҳасиз. Ахир, у, яъни Грегор Замза ҳашоратга айлангунга қадар қандай олижаноб инсон эди? Ота онаси, синглиси, ижарада турганлиги боис, уй эгаси, фабрикада ҳамкасблари уни қандай яхши кўрарди. Ҳурмат қиларди. Мана шу ерда ҳикоянинг тугуни – конфликт томон йўл очади. Ҳикоядаги Грегор Замза руҳиятидаги эврилишлар кейинчалик жисм – танага кўчиб ўтади. У ҳайбатли бир ҳашоратга эврилади. Мана шу жабҳада Франц Кафка ижодий концепцияси фалсафий-эстетик қамровининг ниҳоятда чигал манзараси юзага чиқа бошлайди.

“Бизнингча, бадий психологизм – инсон ички ҳаётининг муаллиф таянадиган тушунчалар, унинг шахс ҳақидаги тасаввурлари ва коммуникатив стратегияси билан шартланган бадий-образли, тасвирий-ифодавий тикланиши ва тавсифланишидир. Руҳий тасвир деганда эса, персонаж ва жисмоний жиҳатлари (ҳис-туйғулари, кечинмалари, ҳолатлари) ва унинг маънавий-руҳий оламидан чиқиб келадиган шахсий тажрибасининг бадий тадқиқини тушунамиз.

Шу ўринда психологизм таркибига қирса-да, руҳий таҳлил масаласига алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Руҳий таҳлил моҳият эътибори билан комплекс характерга эга бўлиб, ундан ёзувчилар қаҳрамон руҳиятини очиш учун фойдаланишлари, талқинчилар (синчи, тадқиқотчи) эса бадий асарни текширишда руҳий таҳлил (психоанализ) методини қўллаши мумкин”³. Кўринадики, бадий психологизм шартланган ҳодиса. Унинг ҳикоя архитектурасида – қаҳрамонни тайёр ҳолда саҳнага олиб кириш ва унинг хатти-ҳаракатлари, мақсад-интилишлари эвазига руҳияти очиб берилиши назарда тутилади. Демак, Франц Кафканинг “Эврилиш” ҳикоясидаги Грегор Замза руҳиятидаги узил-кесил ўзгаршилар ҳам том маънодаги ижодкор поэтик оламининг бир-бирига узвий боғланган концептуал мақсадни идрокламоқда. Бош қаҳрамон соўғлом муҳитдан – носоғлом муҳитга кўчиб ўтмоқда, яъни эврилмоқда. Унинг характеридаги жисм – маҳлуқотнинг, рух, инсон онги тафаккури икки қутбга ажралади. Жисм ҳайвонийлашув процессини бошидан ўтказиш борасида, тана ичидаги рух инсонлик матлабини сақлаб қолишликка интилмоқда. У ҳаётни кўз ўнги орқали, яъни тасаввурлари билан “қайта” кашф қилмоқда. Грегор Замза – ота-онаси учун кераксиз бир буюм каби ўзини ҳис

³ Бобохонов М. Ўзбек қиссаларида бадий психологизм. –Т., “Баёз”. 2014. –Б.28.



қилса-да, меҳрибон ва ардоқловчи синглиси учун эса ҳамиша аввалги ҳолатдаги чайир ва кўркмас, самимий ва иродали ака сифатида намоён бўлади. Жамият Кафка қаҳрамони Грегор Замзани қабул қила оладими? Ҳамма гап ана шу нуқтада намоён бўлади. Кафка ҳикояда учта композицияни бир нуқтада бирлаштира олади: биринчиси, оила ва унинг аъзолари, иккинчи жамият чиқарган қонунлар фақат бойлар учун хизмат қилишини, учинчи жамият ўз фуқароларидан максимал даражада фойдалана олиши лозимлиги, ҳамда уларни маълум муддат ишлатиб, кейин кераксиз буюм каби ташқарига улоқтириши. Мана шу ерда Грегор Замзалар каби самимий ва фидокор одамлар учун “яшаш” инстинкити курашдан иборат бўлиб қолаверади. Замон билан чиқиша олмаслик, йўқчилик ва машаққатлар Грегор Замзаларни ҳайбатли қирқоёқдек ҳашоратга айлантириб юбориши ҳеч гап эмас! Ҳикоядаги таг қатлам ҳам айна шу мақсадни амалга оширишга хизмат қилмоқда. Кафка жамият олдига мангу савол қўяди: инсонлик онг ва тафаккур, туйғу ва ақл, моддият, маънавият бирламчи бўлиши керакми ёки, инсон ҳайвон каби еб-ичиб, айш-ишрат билан яшаб ўтиши керакми? Айна шу савол Алишер Навоий, Бобур, Абдулла Қодирий, Чўлпон ва бошқа адиблар ижодида ҳам турлича шаклда намоён бўлади. Ёзувчининг ҳақиқий таланти ҳам, истеъдоди ҳам айна шу манзарани қайта кашф қилишга йўналтиради.

“Бугунги адабиётимизда тенденцияга айланган “модерн” асарлар ёки унга хос талқинлар катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу ҳодисани айрим адабиётшуносларимиз Ғарб адабиётининг Ф.Кафка, А.Камю сингари XX аср буюк ёзувчиларининг таъсири ёки уларга тақлид деб аташмоқдалар. Бу гапда жон бор. Сўнгги йилларда ёш ижодкорлар авлоди орасида ўша адиблар ижодига қизиқиш бениҳоя кучайди, “модерн” услубидаги айрим асарлар ўзбек тилига айна шу авлод вакиллари томонидан таржима ҳам қилинди. Шу каби мисолларга асосланиб, бу тамойилни фақат Ғарб таъсирига боғлаш, уни тақлидчиликдан иборат деб қараш тўғри эмас. Миллий адабиётдаги ҳар бир ҳодисанинг сабабини ташқи омиллардан эмас, аввало она заминнинг ўзидан, реал воқеликдан, замона эҳтиёжидан изламоқ даркор”⁴. Дарҳақиқат, Кафка, Камю, Жойс сингари тафаккур соҳибларининг ижодий лабораториясига кириб борар эканмиз, уларнинг бизга қолдирган бениҳоя катта хазинаси борлигини ҳис этамиз. У.Ҳамдам, Н.Эшонқул, А.Йўлдошев, С.Вафо, Т.Рустам сингари ёзувчилар бадиий изланишларида Ғарб адабий тафаккурининг ўрни катта эканлигининг

⁴ Мелиев С. Глобаллашув: бадиий талқин, замон ва қаҳрамон. –Т., ЎзФА. “Фан”. 2019.



шоҳиди бўламиз. Кафканинг “Эврилиш” асари таъсирида ўзбек адабиётида ўнлаб ҳикоялар юзага келди. Ундаги фалсафий-психологик таранг вазият шахс руҳиятидаги ажиб ўзгаршиларни юзага чиқишида калит вазифасини ўтайди:

“Грегор бир ойдан кўпроқ вақт азоб берган оғир жароҳат (олмани олиб ташлашга ҳеч ким журъат эта олмади ва у танасида бир эсдалиқдек қолди), бу оғир жароҳат, ҳозирги қайғули ва жирканч кўринишига қарамасдан ҳатто отаси ҳам Грегор ҳар ҳолда ўз оиласининг аъзоси эканлигини, у билан душмандек муомала қилиш мумкин эмаслигини, балки оилавий бурч бўйича ундан нафратланмасдан, чидаш, фақат чидаш зарурлигини ёдига солди”⁵.

Кўрсатилган лавҳада Грегор Замзанинг инсоний бурч ва эътиқоди – оила муқаддаслигига ишора қилинмоқда. Олдинлари Грегор Замза катта пул ишлаб топарди. Оиласида ҳеч қандай кўнгилсиз ҳодиса сира содир бўлмаганди. Жамият ҳаётининг бир маромда ҳаракатланиши, асар қаҳрамонининг омади юришиб, бахтли ҳаёт кечираши жуда катта бир мамнуният бағишларди. Тасодифан Грегор Замзанинг – ҳароатга айланиши, жамият ҳаётини тўлақонли тасаввур қилиш имконини беради. Ҳикоядаги бадий психологизм ёзувчининг ўзи таъкидлаганидек, инсон ботинида рўй бераётган узил-кесил ўзгаришлар, доимий руҳий эврилишлар метаморфозаси бир оила тимсолида намоён бўлади. Грегор Замза – ўз отасидан ранжимасда, ота ўз фарзандидан жирканч туйғусини ҳосил қилади. Чунки ўз вужудининг бир парчаси Отани шу ҳолга солган жамият қонунлари маиший турмуш муаммоларини бўрттириб юборади. Онаси – меҳрибон. Синглиси шафқатли. Ота – бемехр бўлиб, ўз фарзандининг бошига тушган кўргуликлардан ҳазар қилади. Мана шу нуқтада ота ва она шарафи, масъулияти, асрлар оша келаётган бурч ва эътиқод маслагаи қабариб кўринади. Кафка руҳиятидаги ҳар бир ҳужайрани тебратадиган оғирқлар аслида – бурч ва масъулиятдир. Ота қайсики замонда ўз фарзандидан ҳазар қилса, у ерда парокандалик ва Аллоҳ таолонинг қаҳру ғазаби қайнашини англатишдек умуминсоний муммо турганлигини Кафка ўз ўқувчисига уқтирмакчи бўлади. Рамзий талқин негизида инсон психикасини қайта кашф қилган Кафка айни шу масалага жиддий урғу беради. Грегор Замзалар ҳаёт. У жамият учун мутассил боқиб турувчи кўзгудир. Биз ўша кўзгуга қараб кечамиздан бугунни, бугунимиздан эса келажагимизни тасаввур қилишга интилиб яшаймиз!

⁵ Франц Кафка. Эврилиш. –Т., “Янги аср авлоди”. 2021. –Б.66.



Ўзбек ёзувчиси, таниқли адиб ва Шодикул Ҳамро поэтик изланишларида ҳикоя жанрининг ўзига хусусиятларини кузатар эканмиз, ёзувчи ҳар бир асарида бадий нутқ, полифоник тафаккур билан ижодий кўп қирралигини инкишоф қилишга алоҳида диққат қаратади. Хусусан, “Ҳовлидаги дарахт” номли ихчамгина ҳикоясида адиб шахс психологиясини ва жамиятдаги одамларнинг турли хил қатламларда ҳаёт кечиришини ягона эстетик марказда уюштиради. Ҳикоядаги киритма воқелик ёзувчининг асл ижодий концептуал қарашларини идроклашга замин ҳозирлайди. Натижада, ёзувчи табиатнинг оддий меҳнатсеварлик ва дангасалик, ишёқмаслик ва худбинликни талқин қилади.

Поэтик модификация ҳақида сўз борганда аввало, “бадийлик марказида шахс ва унга қарама-қарши турган ташқи оламнинг ўзаро муносабати, “мен - оламда” концепцияси ётади. Бадийлик маркази эса шахс мавжудлигининг руҳий-амалий тажрибасига эстетик аналогия сифатида намоён бўлади. Яъни трагиклик, сатириклик, драматиклик, энг аввало, шахснинг ўз-ўзини англаши ва намоён этиш шакллари бўлиб, бадий асарда улардан бири асосий ўрин тутаети”⁶. Дарҳақиқат, бадийлик модуси (ўлчов)да сюжет ва композицияга нимаики дахлдор бўлса, ҳикоянинг бош марказида инсон психикасига оид катта-кичик деталлар муҳим роль ўйнайди. Айниқса, ёзувчи Франц Кафка бадий изланишларида муаммо, воқелик, ечим бирлигида концепциясини тўлақонли идроклайди. Айнан мана шу киритма воқелик (қолиплаш)да “нима демокчи”лигини тўлақонли далолатлайди.

“Ҳикоя ҳажмининг кичиклиги, кўрсатилаётган эпизоднинг чекланганлиги асар қиматига монелик қилолмайди. Чунки ана шу чегараланган воқеанинг бошланишиёқ қахрамоннинг асарга киритилмаган кейинги ҳаётдан дарак бера олади. Киритилмаган ана шу воқеаларни ўқувчининг ўзи уқиб олади, чунки “...санъатга жиддий қараган кишилар фақат текстдаги маънонигина тушуниб олмай, балки текстдан ташқарисидагини ҳам чуқур англаш қобилиятига эгадир”⁷. Дарҳақиқат, Шодикул Ҳамро ҳикояларидаги асосий воқелик худди Кафка сингари биргина масалани идроклаш учун қаратилгани (ҳикоя қилингани) билан белгиландаи. Ўзбек адабиётида эса бундай тасвир усули Ш.Ҳамро бадий изланишларида яққол намоён бўлади. Шодикул Ҳамро – тағқатлам негизида “ҳикоя ичида ҳикоя” қилиш усулини уйғунлаштириш баробарида, ёзувчининг воқеликни трагик тарзда идроклаш манерасини ҳам мувофиқлаштиради.

⁶ Куронов Д., Мамажнов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. –Т.: “Академнашр”. 2013. –Б.56.

⁷ Адабий тур ва жанрлар. –Т.: “Фан”. 1991. –Б.97.



Дарвоқе, “бадий компонентларнинг модификацияга учраши бевосита муайян бадий анъаналар билан боғлиқ. Даврнинг адабий эҳтиёжлари, муаллифнинг ижодий даражаси, бадий лабораторияси, ғоявий мақсадига кўра модификация турли поэтик компонентлар кесимида намоён бўлиши мумкин. Яъни, бу жараён кенг кўламда юзага чиқиши, бир эмас, бир нечта бадий компонентлар доирасида юз бериши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас”⁸. Бинобарин, бадий унсурларнинг систембутунликда реал моҳият касб этиши сюжет ва композицион тифизликни тақозолайди. Асардаги моҳият ва шакл бирлиги инсонни аналитик талқин қилиш имконини беради.

Франц Кафканинг “Эврилиш” метаморфозаси доимий равишда инсонни олдинга интилишга етаклайди. Айни дамда, одамнинг ШАХС сифатидаги ривожланиши, унинг орзулари, мақсадлари билан уйғунлашувини тақозолайди. Ёзувчи бадий маҳоратининг яна бир жиҳати шундаки, асарда биргина қаҳрамон ҳаётининг муаммолари кўрсатилибгина қолмасдан, балки миллатнинг икки авлод вакиллари ўзаро юзлаштириш орқали қисматлар тўқнашуви намоёиш этилади. Ҳикояда акс этган фожеавий тасвирлар Франц Кафканинг дастлабки асарларига хос бўлган рамзий-мажозий услубдан чекиниб, ҳаётнинг шафқатиз модернистик манзараларини тасвирловчи адиб сифатида намоён бўлишига хизмат қилади. Адиб танлаган шафқатиз услуби айнан ҳикоя контсептсиясига мос равишда танланганини алоҳида таъкидлаш зарур. Ёзувчининг фожеаларини фақат икки томонлама бўладиган лавҳалар тасвири орқали эмас, балки, унинг қаҳрамонлар қисмати ва юрагида оғриқли нуқта бўлиб қоладиган аянчли асоратларининг бадий тасвири орқали кўрсатиши асарнинг ишонарли ҳамда ўқимишли бўлишини таъминлади.

Ўзбек адабиётида янгилашишлар ясай олган Шодикул Ҳамро ижодида ғар бир давр учун муҳим бўлган – ота ва она миллий характер сифатида олиб кирилади. Ака ва ука эса ота онанинг давомчилари, уларнинг меросхўри сифатида иш тутаяди. Франц Кафкадан илҳомланган ёзувчи Шодикул Ҳамро бадий образга катта бир умумлашма сифатида қарайди. Чунки ёзувчининг ҳар қандай вазиятда идрок ҳамда муносабат тифизлашуви ҳаётнинг ажралмас қисми эканлигини кафолатлайди. Тақдир уларни шу қадар мутаносиб тарзда ҳаёл суришга етаклайдики, натижада Кафка ва Камюнинг қарашлари ўзбек ижодкорларида янгича шаклда кўзга тушаётганини аниқлатади. Бинобарин, инсон

⁸ <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/nilufar-sultonova-adabiyotda-modifikasiya-jarayoni/>



туйғулар, изтироблар, ўй-хаёллар исканжасида тобланади. Унинг ҳеч бир ажабланарли жойи йўқ. Асло! Мана шу мантиқ инсон қалбига ҳар қачонгидан ҳам катта умид бағишлашга рағбат уйғотади.

Аёнки, миллий ўзликни англаш деганда воқеликнинг миллат характерига мос жиҳатларини тасвириллаш, миллий ан`аналарни қадрлаш ҳамда миллий ифтихорни туйиш натижасида бадиий адабиётда миллийлик тамойилларини кенгроқ акс эттириш назарда тутилади. Шу нуқтаи назардан истиқлол даври ва мустақиллик арафасида яратилган ҳикояларни кузатганда, халқимизнинг миллий табиати ва менталитетига хос кўплаб хислат ва хусусиятлар акс эта бошлаганини миллат кишининг “феълини кўрсатиш, унинг дарди, қувончу, кўнгил кечинмалари тасвирига кўпроқ эътибор қаратилганини пайқаш қийин эмас. Айниқса, сўнгги даврларда яратилган ҳикояларда, айниқса, Шодикул Ҳамро ижодида яққол намоён бўлмоқда. Сабаби, ҳикоя жанри бу борада кенг имкониятларга эга бўлиб, у ўз бағрида турли тарихий воқеаларни ҳам, халқ руҳиятининг кўзгусига айланган қадимий ан`ана ва удумларни ҳам, миллат кишининг қалбида кечган ботиний эврилишларни ҳам бутун борлиғича акс эттириш имкониятига эгадир. Шунинг учун ҳам миллий қаҳрамон ва миллий руҳиятнинг бадиий талқини масалаларини роман таҳлили доирасида ўрганиш қаҳрамон характерининг давр муаммолари тизимидаги ифодасига доир янги назарий умумлашмалар қилишга имконият яратади.